



QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ JASLAR SIYASATÍ HÁM SPORT MINISTRILIGI BUYRÍGÍ

19«iyul»2023 jil.

599-A/F-san

Nókis qalası

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 14 июндаги 03/787-A/F-сон буйруғи ижроси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 14 июндаги “Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази ҳамда Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларининг ўқувчилари ўртасида спорт турлари бўйича Ўзбекистон чемпионатини ўтказиш тўғрисида”ги 03/787-A/F-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 14 июндаги 03/787-A/F-сон буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур буйруқ билан:

а) Спорт-таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчи-спортчилар ўртасида 2023 йил 16 июндан 20 июль кунларига қадар спорт нинг бокс, оғир атлетика, кураш, дзюдо ва футбол (футбол спорт тури 20 июндан 20 июльга қадар давом этади) турлари бўйича Ўзбекистон чемпионатлари (бундан буён матнда мусобақа деб юритилади) Республика олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида ўтказилиши;

б) Мусобақанинг Низоми 1-иловага, мусобақада иштирок этувчи жамоаларнинг талабномалари намунаси 2-иловага, мусобақада иштирок этувчи жамоалар рўйхати 3-иловага, мусобақани ўтказиш манзиллари ва муддатлари 4-иловага, ҳакамлар рўйхати 5-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилнсин.

3. Мусобақада иштирок этадиган жамоа аъзоларини сафар харажатлари сафарга юборувчи ташкилот томонидан қоплансин.

4. Олимпия ва паралимпия спорт турларини ривожлантириш шўъбаси бошлиғи (**А.Темирбаев**), Нукус олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази директори в.в.б. (**Д.Наурызбаев**) лар билан биргаликда:

а) ушбу мусобақада Қорақалпоғистон Республикасининг терма жамоаси иштирокини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Ахборот хизмати (**А.Пиряров**)га:

мусобақанинг ўтказилиши билан боғлиқ жараёнларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишга тавсия этиш ҳамда вазирликнинг ижтимоий тармоқларга жойлаштириш вазифаси юклатилсин.

6. Девонхона (**Б.Толыбаев**)га:

мазкур буйруқ билан Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг тегишли бўлимларига ва вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасаларига юбориш вазифаси юклатилсин.

7. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир в.в.б.



А.Алланазаров